

Юнусова Шахноза Саибовна
кафедра мудири
Ташкент тиббиёт академияси академик лицейи

ЎЗБЕКИСТОН - МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЖАХОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНинг АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохатлар ижтимоий ҳаёт борасидаги янгиланишлар, ХХІ асрга ривожланиш концепцияси билан қадам қўйди. Ватан тарихини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш, бирламчи манбаларга таяниб, бугунги шиддатли даврда ўз миллий қадриятларимизни тарихимиз босиб отган тарихий даврдаги цивилизациявий жараёнларга қошган буюк хиссамизни жаҳон ҳамжамиятига намоён қилиш ва бу билан ҳозирги Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Ўзбекистонда тарихий, моддий, маънавий, маданий ёдгорликларни тўплаш сақлаш ўрганиш ва ташвиқ қилиш билан шуғулланувчи, халқ тарихининг бирламчи манбааларига асосланган илмий муассасалар, тарих, халқ тарихи биринчи навбатда моддий маданият ёзма манбааларга, археология, этнография, антропология, лингвистика, топонимика, этиография, нумизматика фанлари асосида илмий асосланган манбаалар билан тарихий маданий меъросни музейлар тўла намоён этадиган кенг тармоқ бу Республикаимиздаги музейлардир. Музейларнинг пайдо бўлиши Урта Осиёда ХІХ асрнинг охирига бориб тақалади. Биринчи бадиий музей (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат музейи) 1918 - йилда Князь Романов тўплаган коллекцияси асосида ташкил топган. 1920 - 1930 йилларда Наманган, Хива, Бухоро, Қўқон, Андижон, Термиз, Нукус ва бошқа йирик шаҳарларда ўлкашунослик музейлари очилди. 1940 - 1970 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси таркибида фаолият олиб борадиган Ўзбекистонда музейларнинг кенг тармоғи яратилди. Тарихий ёдгорликлар ва санъат обидаларини муҳофаза қилиш, археологик, этнографик, маданий бадиий, меморий ёдгорликларни комплекс тарзда ўрганиш ва ташвиқот қилиш учун мўлжалланган давлат музейлари билан бирга ўлкашунослик аҳамиятига эга бўлган халқ музейлари ҳам фаолият олиб бормоқда. Музейлар ўз фаолиятида миллий маънавиятимизни, маданиятимизни, тарих, миллат тарихини келиб чиқишини тарғиб қилар экан ҳар соҳадаги экспонатлар орқали шу давлат, миллат, халқларнинг ўтмишини билдириш билан истиқбол режаларига ҳам асосланади. Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маърифий юксалтиришда фан олдида турган долзарб муаммоларни маълумотлар орқали ечишда, даврлаштириш масаласи ўтмишни ўрганиш моддий ёзма манбалар асосида назарий асосланган методологик тамойилларини ёритиб беради. Бизнинг қадимий маънавий мерос маданий бойликлар тарихий ёдгорликларимиз жаҳон цивилизациясига қўшган хиссамизни дунё тан олмоқда. Утмиш тарихимиздаги босиб ўтган давр ва ҳозирги тараққиётимизнинг белгилаб олган жиҳатларини музейларимиз экспонатларида туризмни ривожлантириш ички ва ташқи туризм соҳасида бу заминда буюк зотлар етишиб чиқгани, умумбашарий цивилизация маданиятининг узвий қисмига айланиб кетган, дунёвий ва илмий, диний ривожланишимиз буюк давлатчилигимизни улкан чуқур ва ифтихор билан намоён этамиз. Айниқса “Ўзбекистон халқлари тарихи музейи”экспозициясида Ўзбекистоннинг қадимги даврдан то ҳозирги кунгача бўлган тарихи ёритилган. Экспозиция асосига қадимги даврдан ҳозирги кунгача Ўзбекистондаги тарихий ва маданий жараёнларнинг узлуксизлиги ва изчил ривожланиши тамойилини киритилган, бу ерда яратилган маданий мероснинг дунё цивилизацияси тарихидаги ўрнини белгилаб беради. Бу кўҳна заминда миллидгача бўлган даврдан ва ундан кейин қўшилган сув иншоатлари, қадим қадимдан ўлкамизда дехқончилик, хунармандчилик, меъморчилик, шаҳарсозлик маданияти, санъати юксак даражада ривожланганлиги мамлакатимиз ҳудудида босқинчилик, бунёдкорлик давлатчилиikka оид кўргазмалар экспонатлар, жаҳон мамлакатларидан мамлакатимизга ташриф буюрган туристларни давлатимиз тарихига юксак баҳо бериши учун асосий омил бўлиб

келмоқда.

Мустақиллик даврида асрлар давомида яратилган бебаҳо улкан маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсатининг энг муҳим вазифаси қилиб қўйилди. “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларни олиб чиқиши ва олиб кириш масалаларини тартибга солиш тўғрисида” махсус қарорлар қабул қилиниши бу соҳага янада эътибор кучайтирилди. Музейлар ва маданият ёдгорликлари давлат ихтиёрига ўтказилиб, муҳофаза қилина бошланди. Илмий экспедициялар уюштирилиб, Музейлар учун коллекциялар тўплаш иши йўлга қўйилди, кўплаб Музейлар ташкил этилди. Йирик Музейлар: Ўзбекистон тарихи музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон санъат музейи. Республиканинг деярли барча вилоятларида ўлкашунослик Музейлари, жаҳон аҳамиятига молик мемориал

Музейлар бор.

Музейлар, таълим-тарбия ва илмий вазифаларга эга бўлиб таълим муассаларида “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитилишида кўчма очик дарсларни ташкил этиш, замонавий педогогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанвий ўқув машғулотларини ташкил қилишда ҳам бугунги кунда уларда мужассамлашган тарих, сақланаётган маънавий обидалар бизнинг давримизгача етиб келган осори атиқаларифода этилган экспонатларни ўрганиш орқали ёшларимизни буюк тарихимизга қизиқиши янада ортади ва илмий малумотларга эга бўладилар. Музейлар тизими тараққиётга объектив эҳтиёжлар ортиб бормоқда. Музейларнинг халқаро майдонга чиқиши билан уларнинг таъсир доираси кенгайиб бормоқда. Бунда кўргазмалар айирбошлаш биринчи ўринда туради. Музейлар жаҳоннинг турли мамлакатларига ўз хазиналарини юборади, айни пайтда чет мамлакатларнинг кўргазмаларини ўзларида қабул қилади ва кўргазма ҳамда Музейларда намойиш этади. Музейлар халқаро маданий алоқаларни кенгайтиришга ёрдам бермоқда, миллий маданиятларнинг ўзаро бойиши ва халқлар ўртасида ҳамфикрликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Жаҳон Музейлари халқаро ташкилотга бирлашган, ЮНЕСКО таркибида Музейлар халқаро кенгаши (ИКОМ) мавжуд, унинг таркибига миллий Музейларнинг қўмиталари кирган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Shermuhammedova, N. "Methodology and phylosophy of science." (2012): 165.
2. Namazova, Yulduz Muzapparovna. "MINISTRY OF PUBLIC EDUCATION AND CONFESSIONAL (RELIGIOUS) SCHOOLS IN TURKESTAN." Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology 1.7 (2019): 135-139.
3. Нишанова, О. (2023). Роль этнической культуры в формировании идеологического иммунитета молодежи, in Library, 7(2), 27-30. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/21844>